Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 119 (5710).
25 МАЙ 1985 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида 1986—1990 йилларда ва 2000 йилгача бўлган даврда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари лойиҳасини кўриб чиқди.

Мажлисда КПСС XXVII съездига мана шу ҳужжатни тайёрлаш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Мазкур ҳужжат халқ хўжалигининг энг муҳим вазифаларини белгилаб беради, ўн иккинчи беш йиллик планлари ана шу вазифалар асосида ишлаб чиқарилади ҳамда совет жамиятини янада узоқ истиқболда иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари белгиланади. Асосий йўналишлар лойиҳасида халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш суръатларини ўстириш, ишлаб чиқаришни интенсивлаш жараёнларини кучайтириш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш кўзда тутилади. Совет кишилари турмушининг барча томонларини қамраб оладиган кенг социал программа белгиланади. Совет Иттифоқининг қардош социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлиги, айниқса, фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш соҳасидаги ҳамкорлиги янада ривожлантирилади.

Сиёсий бюро келгуси беш йилликка мўлжалланган план топшириқларини такомиллаштиришни давом эттиришни ва айни вақтда шу план топшириқларини контрол рақамлар тарзида тегишли беш йиллик планлар тайёрланадиган иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, министрликлар ва идоралар, бирлашмалар ва корхоналарга етказишни мақсадга мувофиқ деб топди. Бунда фан-техника тараққиётини анча жадаллаштиришга оид тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор жалб этилиши лозим. Бу тадбирлар иқтисодий ва социал ривожланиш суръатларини ўстириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни, техника даражаси ва маҳсулот сифатини тубдан яхшилашни таъминлаши керак. Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, жойлардаги партия комитетларига 1986—1990 йилларга мўлжалланган беш йиллик планлар лойиҳаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва олиб бориш устидан контрол ўрнатиш вазифаси топширилди. Улар ишчилар, колхозчилар ва инженер-техник ходимлар, партия, касаба союз ва комсомол активининг мана шу энг муҳим ишда фаол иштирок этишини таъминлашлари керак. Партия ташкилотлари олдига 1985 йил план ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришга, тежамкорлик режимини кучайтиришга, шартномалар асосида маҳсулот етказиб беришни аниқ-пухта йўлга қўйишга, хўжалик юритиш даражасини оширишга механизмларни ва корхоналарга раҳбарлиги тажрибасини айрибошлаш юзасидан коллектив ишни кучайтириш учун катта аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтди.

Сиёсий бюро мажлисида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги шартнома асосида иккала мамлакат халқларининг манфаатларини кўзлаб, Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида улар ўртасидаги анъанавий дўстлик муносабатларини янада ривожлантиришга кўмаклашишга Совет раҳбарлари қатъий қарор берганликлари изҳор қилинди.

Мустақил ва демократик Австрияни қайта тиклаш тўғрисидаги давлат шартномасининг 30 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирларда қатнашиш учун ўртоқ А. А. Громико Венада бўлган вақтида Австрия давлат арбоблари ва бир қанча мамлакатлар ташқи ишлар министрлари билан ўтказган суҳбатлари тўғрисида унинг ахбороти тинглланди. Сиёсий бюро ўтказилган суҳбатлар якунларини маъқуллаб, дунёдаги ишларнинг аҳволига оид энг муҳим масалалар, энг аввало, космос ҳарбийлаштирилишининг олдини олиш ва ядровий қуроллар пойгасини тўхтатиш каби ўткир проблема юзасидан мамлакатлар ўртасида актив мулоқотни давом эттириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтди. Совет Иттифоқининг фикрича, катта ва кичик барча давлатлар амалда ана шу вазифаларни ҳал этишга кўмаклашадиган кучғайратларни сарфлашга ҳамда ҳар қандай ҳолда ҳам халқаро вазиятни соғломлаштиришга ҳалақит берадиган ва стратегик барқарорликка путур етказадиган қадамлардан ўзларини тийиб туришга даъват этилганлар. Ҳозирги шароитда Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш жараёнини изчил давом эттириш муҳимлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида СССР билан Куба ўртасида дипломатик муносабатлар қайта тикланганлигининг 25 йиллигини байрам қилишда Совет делегацияси иштирок этганлиги тўғрисида ўртоқ М. С. Соломенцевнинг ахбороти тингланди. Коммунистик партия билан Совет давлати ички ва ташқи сиёсатининг бошқа бир қанча масалалари ҳам кўриб чиқилди.

тонгги газеталарда

● 24 май куни Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Президиум дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1955 йил 14 май куни Варшавада имзоланган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги протоколни ратификация қилиш масаласини кўриб чиқди.

Протоколни ратификацияга тақдим этган СССР ҳукуматининг топшируви билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико доклад қилди.

(Ўртоқ А. А. Громиконинг нутқи ва «Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1955 йил 14 майда Варшавада имзоланган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги протоколни ратификация қилиш тўғрисида» СССР Олий Совети Президиумининг Фармони бугун тонгги газеталарда аълон қилинган).

● Ҳиндистон Республикасининг Бош министри Р. Ганди 24 май куни Минскдаги Орджоникидзе номли электрон ҳисоблаш машиналари заводига борди. Бу корхона маҳсулоти кўпгина мамлакатларга, шу жумладан Ҳиндистонга ҳам етказиб берилмоқда.

Шу куни дўст давлат ҳукуматининг бошлиғи Минскдан Фрунзега жўнаб кетди.

● Республика жамоатчилиги халқ хўжалиги етакчи тармоқларидан бири ходимларининг профессионал байрами — Химиклар кунини нишонламоқда. Тармоқ меҳнатчилари индустрияни ривожлантиришга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш ишига, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ҳисса қўшмоқдалар. 24 май куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилишда шу ҳақда гапирилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. П. Анишчев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Ҳўжаев иштирок этдилар.

КПСС XXVII СЪЕЗДИГА — 27

ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК

ТАШАББУСНИНГ ҚАНОТИ

«Узвторцветмет» республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор ишчилари «Ўн саккизлар ташаббуси»ни қўллаб-қувватлаб, партиямизнинг навбатдаги съезди шарафига оширилган мажбуриятлар олдилар

Республикамиз саноати, қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳалари ишлаб чиқариш илғорлари КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш бўйича ташаббус бошлаганларига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бу ташаббус Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланди ва уни республика механизаторлари ўртасида кенг ёйиш тавсия этилди. Шунга биноан ҳозир жойларда партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бу қимматли ташаббусни оммалаштириш, унинг чинакам умумхалқ ҳаракатига айланиб кетишига эришиш учун барча зарур ташкилий-сиёсий ишларни амалга оширяптилар. Зотан, ташаббуснинг кучи унинг кенг оммалашувида, ташаббускорлар олган мажбуриятлар ўз муддатида шараф билан ado этилишидадир.

Шаҳримиздаги «Узвторцветмет» республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг пешқадам коллективи «Ўн саккизлар ташаббуси»ни биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади. Корхонанинг ўнлаб илғор ишчилари партия анжумани шарафига оширилган мажбуриятлар олдилар. Бу ишда айниқса коммунистлар яхши намуна кўрсатишаяпти. Ўлар сўз ва иш бирлиги учун, ишлаб чиқаришда ҳамиша юксак тартиб ва интизом қарор топиши учун интилишаяпти.

«Узвторцветмет» республика ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлганимизда бош директор М. Ғ. Ғозиев Тожикистон ССРнинг Шўроб механика заводидан юборилган телеграмманн кўрсатди. Унда шундай дейилганди: «Шўроб механика заводи коллективи йилнинг биринчи кварталида зарур хом ашё маҳсулот бўлган иккиламчи алюминийни бир маромда ва юқори сифатли қилиб етказиб берганлигингиз учун бутун бирлашмангизга ва шахсан Сизга қизғин ташаккур билдиради. Коллективингиз таъминот бўйича шартнома мажбуриятларига қатъий амал қилаётганлиги биз ўн биринчи беш йиллик топшириқларини барча техник-иқтисодий кўрсатгичлар бўйича муваффақиятли бажаришимизда қўл келаяпти. Зиммангизга юклатилган шарафли вазифаларни бажаришда сизга янги зафарлар тилаб қоламиз.

Завод директори: Х. Каримов».

Бирлашма бундан сал аввал худди шу мазмундаги миннатдорчилик мактубларини Чимкент, Актюбинск ва Каменск-Уральск шаҳарларидаги мижозларидан ҳам олганди.

Таъминот бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилиши корхоналар фаолиятини баҳолашда асосий кўрсатгичлардан бўлиб қолганлигини инобатга олганда, мижозларнинг миннатдорчилик мактублари, ортиқча изоҳсиз, бирлашма фаолияти рисоладагидек экан, деб хулоса чиқаришимизга имкон беради. Бироқ қўлимизда корхонанинг намунали фаолиятини кўрсатувчи статистик маълумотлар ҳам бор. Унда таъкидланишича, КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленумлари қарорларини амалга ошириш учун изчил кураш олиб бораётган бирлашма коллективи беш йиллигининг тўртинчи йили планига қўшимча юзлаб тонна алюминий куймаси ишлаб чиқарган, меҳнат унумдорлигининг 2,2 процент ўсишини таъминлаган.

Агар коллективнинг бутун беш йиллик давомидаги фаолияти натижаларига разм соладиган бўлсак янада салмоқлироқ кўрсатгичларни кузатиш мумкин. Мана бир мисол. Бирлашмада маҳсулот реализация қилишнинг ўсиши 1980 йилга нисбатан 126,5 процентни, меҳнат унумдорлиги 115,5 процентни ташкил этди.

Ҳа, ишга туширилганига ўн беш йил бўлган, лекин яқин йилларда ҳам қолоқлар сафида бўлган корхона фаолиятида кейинги даврда туб ўзгаришлар юз бериб, у шаҳримиздаги пешқадам корхоналардан бирига айланди.

— Ютуқларимиз омили ҳақида сўз юритганда кадрларни танлаш ва тарбиялаш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашга эътиборни кучайтирганлигимизни, алоҳида таъкидлаш керак, — дейди биз билан суҳбатда Муллахон Ғозиевич. — Бундан ташқари коллективда меҳнат интизомини мустаҳкамлаб, техника тараққиёти йўлини изчил давом эттириб, меҳнатни ташкил этишнинг бригада усулини кенг жорий этиб, мастерлар ва бригадирлар мавқеини оширганлигимиз ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Дарвоқе, кейинги олти-етти йил мобайнида коллективнинг ўзагини ташкил этган ўнлаб ишчилар, инженер-техник ходимларнинг оилалари янги, шинам квартираларга кўчиб ўтишди. Корхонада душхоналар реконструкция қилинди, қуювчилар учун дам олиш хоналари бунёд қилинди. У ерга холодильник, стол-стул, шахмат ва шашка қўйилган, электр чойнакда чой қайнатиб ичиш мумкин.

Бирлашмада айниқса техника тараққиёти йўли изчил давом эттирилаётганлиги диққатга сазовордир. Масалан, кейинги йилларда металл эритмасини бир печдан иккинчи печга ўтказиш, шлакни цех ташқарисига чиқариш механизациялаштирилди. Ортиш-тушириш ишларида техника воситаларидан кенг фойдаланиладиган бўлиб қолди. Ускуналар ишини яхшилаш учун энергетика-механика хизмати кучайтирилди.

«Узвторцветмет» бирлашмаси ўз фаолияти жиҳатидан одатдаги корхоналардан бироз фарқ қилади. Унинг коллективи бутун республика миқёсида рангли металломларни тўплаш ва қайта ишлаш билан шуғулланади. Кейинги йилларда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети мамлакатда иккиламчи металл тайёрлашни яхшилаш масаласига алоҳида аҳамият бериб, муҳим қарорлар қабул қилди. Шундан кейин бу масалага республикамиз миқёсида ҳам эътибор кучайди. Металлни дастлабки қайта ишловдан чиқарадиган цехлар қурилди. Яқин даврда худди шундай цехлар бир қатор областларда ҳам ташкил этилади. Бирлашмада қўшимча қувватлар ишга туширилиб, алюминий куйма ишлаб чиқариш кўпаяди.

Бирлашма ишчилари мамлакатимиз халқ хўжалиги учун ғоят зарур ишни бажараётганликларини, маҳсулотларини иттифоқимизнинг ўнлаб шаҳарларидаги мижозлардан ташқари, Япония, Австрия, ГФР каби чет эл мамлакатларидаги буюртмачилар ҳам орзиқиб кутишини яхши билишади. Шунинг учун ҳам бутун имкониятларни ишга солиб, белгиланган план ва мажбуриятларни ҳамиша ортиғи билан бажариш учун интилишади. Кейинги йилларда коллектив металлургларнинг социалистик мусобақасида мунтазам совринли ўринларни эгаллаб келяпти. Йилнинг тўрт ойлик топшириғи ҳам барча кўрсатгичлар бўйича яхши якунланди.

Металлурглар айниқса республикамизнинг илғор кишилари партия XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик ўтказиш бўйича бошлаган ташаббусни қизғин маъқуллаб кутиб олишди. Металлни қайта ишловдан чиқарувчилар В. Зудкин, М. Абабаева, М. Қўчқорова, металл тайёрловчилар У. Бердимуродов, Т. Деседниченколар шахсий беш йиллик топшириғини шу йилнинг октябрь ойигача якунлаш, партия съездини эса меҳнат календарида 1986 йилнинг иккинчи ярмига ҳисоб очиш билан кутиб олишга аҳд қилдилар.

Қуювчилар ўртасидаги меҳнат вахтасида эса корхона партия бюроси аъзоси, «СССРнинг фахрий металлурги» Анатолий Архипов бошлиқ бригада яхши натижаларга эришяпти. Коллективда биринчилардан бўлиб меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона наряд усулига ўтган бу бригада шу кунларда ҳар куни пландаги 1300 тонна ўрнига 1380—1400 тоннага етказиб алюминий қуйма беряпти. Уч хил маркада тайёрланаётган қуйманинг қарийб барча қисми аъло сифатга қабул қилинаяпти.

Бу бригада Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги олдидан ўтказилган 40 зарбдор ҳафта ғолиби бўлиб, вимпел ва пул мукофоти билан тақдирланганди. Эндиликда партия XXVII съезди шарафига давом этаётган зарбдор ўн кунликларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Қуювчилар съезд шарафига беш йиллик топшириқни бир ярим ой аввал бажариш, съезд арафасида эса икки ойлик топшириқни ado этганликлари ҳақида рапорт беришга аҳд қилдилар.

Бутун бирлашмадаги кўтаринки руҳ, металлургларнинг катта ғайрат ва шижоати илғор коллектив жамиятимиз тараққиётининг янги, катта режаларини белгилайдиган партия съездини муносиб туҳфалар билан кутиб олишидан далолат беряпти.



СУРАТДА: «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» ташаббусига қўшилган «Узвторцветмет» республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг бир гуруппа ишлаб чиқариш илғорлари. М. Нурмуҳаммов фотоси.

ТОШКЕНТ — ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР ШАҲРИ

ЭРТАГА — ХИМИКЛАР КУНИ

Химия ютуқлари — ишлаб чиқаришга

ШЎ КУННИНГ ИНТЕРВЬЮСИ

Химия, нефтни қайта ишлаш, нефть — химия, микробиология саноати ва нефть таъминоти системаси меҳнатчилари, химия соҳасида тадқиқотлар олиб бораётган ходимлар, олий ўқув юртлари химия факультетларининг ўқитувчилари ва студентлари ўзларининг касб байрамлари «Химиклар куниии» бу йил йигирманчи марта нишонламоқдалар. Улар ўзларининг байрамларини қандай ютуқлар билан кутиб олмоқдалар? Мухбиримизнинг ана шу саволига Д. И. Менделеев номидаги Бутуинтифоқ химия жамияти Ўзбекистон республика правленнеси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, техника фанлари доктори, профессор, Тошкент политехника институти «Химия технологияси жараёнлари ва аппарати» кафедрасининг мудири З. С. САЛИМОВ шундай жавоб беради:

— Ўзбекистон химия индустриясининг йирик марказн ҳисобланади. Бу ерда минерал ўғитлар ва химиявий толалар, дефолиантлар ва алифлар ҳамда бошқа кўплаб ранг-баранг маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Саноатнинг химия соҳаси меҳнатчилари, илмий ходимлар ўзларининг байрамларини меҳнатда янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар. Химия жамиятининг совети фаол ишлаб турган Тошкентдаги лак-бўёқ заводида алифнинг тайёрланиш технологияси муваффақиятли ўзлаштирилди. Бу бўёқ таркибидаги ўсимлик мойининг 80 процентини суюқ каучук эгаллаган. Иқтисодий самара бир ярим миллиондан зиёд сўмни ташкил этади. Заводда мамлакатимизда биринчи марта қадоқланган маҳсулотларни тахлаш бўйича линия ишга туширилди. Химия фани ҳам катта муваффақиятларга эришмоқда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия-технология бўлимига қарашли институтларда 1984 йилда олиб борилган илмий тадқиқотларни тадбиқ этиш натижасида ихтиро учун 63 авторлик гувоҳномаси олинди.

— **Ана шу институтлар коллективларининг халқ хўжалиги, медицина амалиётига қўшаётган аниқ ҳиссаси тўғрисида ҳам тингламоқчи эдик.**

— Ўсимликлар химияси институтининг олимлари фармакологик ва фитоксилогик синовлар учун 150 га яқин дори-дармонларни бердилар ва медицина амалиётида қўллаш учун уларнинг анча истиқболли намуналари аниқланди.

Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларини яратиш мақсадида 655 бирикма синтезланди ва биологик синовдан ўтказишга берилди, гелиотрин ва аконитининг биоспецифик реактивларини ҳосил қилишнинг технологияси ишлаб чиқаришга тадбиқ этилди.

Мамлакатимиз турли илмий-тадқиқот институтларининг буюртмаларига кўра биоорганик химия институти 16 минг сўмлик ҳажмида медико-биологик радио активли препаратларни тажриба-саноат тариқасида тайёрлаб берди, тери остида ҳосил бўладиган касалликларга қарши препарат технологияси ишлаб чиқилди.

Химия институтида ҳам катта ишлар олиб борилмоқда. Бу ерда биринчи марта сульфополифосфорли кислоталарни юқори ҳароратли температураларда ажратиш методи билан концентирланган суюқ сульфоаммиачноп л и ф о сфатли ўғитлар ҳосил қилинди. Институтда ишлаб чиқилган технология бўйича Самарқанд химия заводида таркибида мис бўлган нафтенатли аммафос ишлаб чиқарилди. Бу ўғитларни халқ хўжалигида тадбиқ этишдан кўриладиган иқтисодий самара уч миллион сўмдан ортиқдир.

— **Химия йўналишидаги илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларининг кафедраларн қандай ишларни олиб бормоқдалар?**

— Уларда ҳам йирик илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Уларнинг энг муҳимлари муваффақиятли тадбиқ этилди ёки ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Тошкент политехника институтининг химия-технология факультетини мисол тариқасида олиб кўрайлик. Илмий ходимлар бажарган ишлари орасида цемент, бошқа қурилиш материаллари ва олтингугурт кислотаси ҳосил қилиш билан флософогипсдан комплекс фойдаланиш проблемалари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА МИНИСТРЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари қандай бажарилмоқда

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XX пленуми, шаҳар ва район партия комитетлари пленумларида КПСС XXVII съезди арафасида бажарилиши керак бўлган вазифалар аниқ белгилаб берилди. Партия кучларининг кенг миқёсли съездолди жонговарлиги кўриги, халқ хўжалигига раҳбарликнинг барча бўғинларининг ишчанлигини синовдан ўтказиш ана шу пленумлардан бошланяпти.

Босиб ўтиладиган даврнинг характери, жамиятимиз олдида турган вазифаларнинг янглиги ва миқёсининг кенглиги партиянинг бутун съездолди ишига алоҳида оҳанг бахш этади, фақат босиб ўтилган йўлнигина эмас, балки ҳозирги даврни жиддий идрок этиш ва албатта, дадил қарорлар қабул қилиш ва фаол ҳаракат қилишни талаб этади.

Партиянинг XXVI съезди муҳим вазифалардан бири — экономика ва маданиятнинг барча тармоқларини бошқаришни такомиллаштириш вазифасини қўйди. Бу умумдавлат манфаатларини қатъият ва муросасизлик билан ҳимоя қилишга даъват этилган министрликлар ва идораларнинг партия ташкилотлари эгаллайдиган позицияга кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу ҳақда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси Тошкент шаҳар партия комитетининг министрликлар, идоралар, республика ташкилотлари аппаратларининг бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлик бўйича ҳисоботини эшитган ўша унутилмас 1981 йилда ҳам гапирилган эди.

Министрликлар аппаратларининг бошланғич партия ташкилотларига шаҳар ва район партия комитетлари раҳбарлик қилишида жиддий камчиликлар ва нуқсонлар очиб ташланган эди. Марказий Комитетнинг қарори партия комитетларидагина эмас, балки министрликлар ва идораларнинг бошланғич партия ташкилотларида ҳам муҳокама этилган эди.

Шаҳар ва район партия комитетлари министрликларнинг аппарати тармоқни бошқариш системасида бўғин эканлигини ва унинг аниқ ишлашига кўп нарса боғлиқ эканлигини тушунган ҳолда партия ташкилотларининг структурасини тартибга солиш, секретарлар составини сифат жиҳатдан яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилишди. Ҳозир уларнинг деярли барчаси олий маълумотга эга, уларнинг алмашинуви камайди.

Ҳозир Тошкентда министрликлар, идоралар ва бошқа республика органларининг 70 партия ташкилоти ишлаб турибди. Уларнинг секретарлари мана бир неча йилдирки, шаҳар партия комитети қошидаги доимий ишловчи советга бирлаштирилган. Уч йил мобайнида советда 16 партия ташкилотининг ижобий иш тажрибаси ўрганилди. Энди ишонч билан айтиш мумкинки, совет партия ташкилотларининг шундай ўзига хос категорияси учун тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берувчи партия активи мактаби сифатида ўзини тўла оқлади. У министрликлар ва идоралар фаолиятини такомиллаштирилиши, ташкилий-партиявий ва тарбиявий ишдаги ижобий тажриба жорий этилишига сезиларли таъсир кўрсатяпти.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XVI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

● ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МУҲИМ БУРЧИ
● ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА
● КОМПЛЕКС ТАДБИРЛАР АСОСИДА

«Ҳамма ерда жиддий ўзаро талабчанлик вазиятини вужудга келтириш, хизмат вазифасини суиистеъмол қилишлар, хотиржамлик, манманлик, турмушда нотўғри хатти-ҳаракат кўринишлари билан қатъиятли кураш олиб бориш ғоят муҳимдир».
(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларидан).

ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА МИНИСТРЛИК

(Давоми. Бошн 1-бетда).

Шу беш йилликда шаҳар партия комитетининг бюроси ва бўлимлари мажлисларида министрликлар ва идоралар бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг ҳисоботлари илгаригига қараганда кўпроқ эшитиладиган бўлиб қолди. Министрликларнинг коммунистлари сайлаб қўйиладиган партия органлари, турли советлар, комиссиялар ишига жалб этиляптилар. Министрликлар ва идораларнинг 27 коммунисти шаҳар ва район партия комитетлари бюроси, ревизия комиссияларининг аъзоларидир.

Шаҳар ва район партия комитетлари министрликларнинг коммунистлари ўртасида ҳар томонлама ғоявий-тарбиявий ишни амалга оширишга интилишяпти. Кўпгина ташкилотларда сиёсий ва иқтисодий ўқув яхши йўлга қўйилган. Уч йил мобайнида кечки марксизм-ленинизм университетини 120 киши битирди, унинг факультетларида 32 ходим ўқияпти.

Лекин, министрликлар партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш бўйича ишнинг аҳволини партиянинг бугунги талабларидан, шунингдек, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳозирги даврдаги вазифаларидан келиб чиқиб, ҳаққоний баҳолаш керак. Ҳозирги кунда министрликлар ва идораларда партия ташкилотлари аппарат ишини такомиллаштиришга, ходимларнинг активлиги ва масъулиятини оширишга ҳали бўш таъсир этяпти. Ҳамма учун умумий касаллик — танқид ва ўз-ўзини танқидни унутишдир. Партия йиғилишлари ўзига хос маросимга айлантирилаётган, доклад, нутқлар ва қарорнинг характери олдиндан ҳал қилиб қўйилаётган ҳоллар кам эмас. Буларда бир-бирларини мақташ, хушомад қилишга, умумий гаплар билан ишнинг моҳиятини яширишга, камчиликларни объектив ҳоллар ёки идоралараро номувофиқликка йўйишга ўрганиб қолишган. Чунончи, Маориф министрлиги партия йиғилишларида кейинги тўрт йилда 300 та нутқдан фақат саккизтасида «қуйидан юқорига» деб аташга одатланилган танқид бор эди.

Қишлоқ хўжалиги, мебель саноати министрликлари Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети ва бошқаларнинг партия ташкилотларидаги йиғилишлар «бировни хафа қилиб қўймасам эди» қабилида ўтар эди. Афсуски, ҳамон айрим министрликларнинг партия комитетлари ва бош бошқармаларнинг партия ташкилотлари коммунист раҳбарларга, айниқса ўз-ўзини ҳушёрлик билан тергаб туришдан қочишга интилаётган, бажарилган ишни талабчанлик ва ўз-ўзини танқид руҳида баҳоламаётган, ишни силлиқ қилиш кўрсатишга интилаётган, ўзини ва бошқаларни ҳам беғамлик билан талтайтираётганлар ҳам йўқ эмас.

Ўз-ўзини танқид руҳида тан олишимиз керакки, ҳали биз министрликлар ва идораларнинг партия ташкилотлари бутун аппарат иш услуб ва методларини такомиллаштиришда актив қатнашишларига эришганимизча йўқ. Бу эса ғоят муҳим, зеро, ишнинг аниқ услуби — бу муваффақиятнинг муҳим гаровидир.

Шуниси қувончлики, ҳамма жойда интизомни мустаҳкамлашга катта эътибор бериляпти. Бунда шуни ёдда тутиш керакки, бошқа барча шароитларда интизом ва тартиб раҳбарнинг шахсига боғлиқдир. Шунинг учун биз раҳбар-кадрларга талабчанликни оширяпмиз. Бу ерда шуни айтиб ўтиш керакки, кишиларни бирлаштириш лаёқатини кўрсата олмаган, ишни йўналтира олмаган раҳбарнинг ишга фойдаси эмас, балки зарари тегади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XX пленумида таъкидланишича, кўпчилик министрлик ва идоралар ўз иш услубларини сust қайта қурмоқдалар. Ўзбекистон ССР сув хўжалиги қурилиши Давлат комитети ҳаққоний танқид қилинди. У ўтган йили ўз ташкилотларига салкам 5 мингта турли ҳужжатларни 144 минг нусхада юборган, ёки кунига 550 тадан ҳужжат юборган. Бу давр ичида Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги эса коллегиянинг 640 буйруғи ва 178 қарорини чиқарган. Қишлоқ хўжалиги министрлиги эса қуйи ташкилотларга 700 дан зиёд турли директив ҳужжатлар юборган. Министрликларнинг аппаратлари турли хил кўрсатмалар бериш билан ўралашиб қолаётганлигини партия ташкилотлари кўришмаяпти. Бу нарса чорасизликдан, ташкилий шошқалоқликдан, қоғозбозликка берилиб кетишдан келиб чиқади. Бунда кўпинча энг яхши истаклар ҳам ғарқ бўлиб кетади.

Бундан буён бундай ишлаш мумкин эмас. КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев шундай деб таъкидлаган эди: «Ўсиш суръатларини, ўсганда ҳам талай даражада ўсиш суръатларини жадаллаштириш вазифасини бемалол бажарса бўлади, бунинг учун фақат экономикани интенсивлаш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни бутун ишимизнинг марказига қўйиш, бошқарув ва планлаштиришни, структура ва инвестиция сиёсатини қайта қуриш, ҳамма жойда уюшқоқлик ва интизомни кучайтириш, фаолият услубини тубдан яхшилаш зарур».

Партия ташкилотлари министрликларнинг ходимлари ўзларига қарашли корхоналар ва ташкилотлардаги ишларни яхшилашга қатъий эришишлари учун барча тадбирларни кўришлари керак, социалистик мусобақа натижалари, ўз тармоғи ва бошқа тармоқлардаги энг яхши коллективларнинг илғор тажриба ва қимматли ташаббусларини кенг ёйиш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилишлари керак.

Москва ва Ленинград тажрибаси бўйича ишлаб чиқаришни илмий-техника тараққиётини ҳар томонлама жадаллаштириш асосида интенсивлашнинг комплекс программасини яратишнинг биз бу масалани ҳал этишнинг муҳим воситаси деб биламиз. Биз ўн иккинчи беш йиллик ва 2000 йилгача бўлган даврда Тошкентни иқтисодий ва социал ривожлантириш комплекс плани доирасида бундай программани ишлаб чиқишга киришдик ва август ойида бўладиган навбатдаги пленумда бу масалани кўриб чиқамиз.

Министрликлар, идоралар ва республиканинг бошқа ташкилотлари бу масалаларга эътиборни қаратишлари керак. Ҳозирча шуни айтиш мумкинки, Тошкент корхоналарини замон талабларига мувофиқ суратда техника жиҳатдан қайта қуроллантириш, структура ва инвестиция сиёсатини қайта қуриш, қурилиш, монтаж ва махсус қурилиш ишлари, бинокорлик материаллари саноати министрликлари ҳали етарлича эътибор беришмаяпти. Бу министрликларнинг партия ташкилотлари бу борада ўзларининг дадил сўзларини айтишлари, принципиаллик ва қатъият кўрсатишлари керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленумида, Тошкент область, шаҳар, район партия комитетларининг пленумларида энг муҳим масала — партиянинг кадрлар сиёсати масаласи кўриб чиқилди. Бу материаллар фақат бошланғич партия ташкилотларида, меҳнат коллективларидагина эмас, балки хонадонлардаги суҳбатларда, дўстлар ва танишлар билан учрашувларда ҳам ғоят қизиқиш билан муҳокама этилди. Бу бежиз эмас. Бу масалага ҳеч ким лоқайд қарамайди. У социал жараёнлар ва экономикани янада ривожлантириш, пировард натижада эса халқнинг турмушини яхшилаш билан узвий боғлиқдир. Бугунги кундаги вазифа шундан иборатки, кадрлар ишига изчил характер бериш керак. Токи, раҳбар кадрлар аниқ мақсадга қаратилиб, келажакни ҳисобга олган ҳолда ўстирилиши, барча соҳалар ишнинг кўзини биладиган пок, партия ишига садоқатли кишилар билан мустаҳкамланиши лозим. Бу масалани ҳал этишда министрлик ва идораларнинг партия ташкилотлари зиммасига алоҳида масъулият тушади.

Партия ташкилотлари шунга эришишлари лозимки, министрликларнинг ҳар бир ходими ўз хизмат бурчини намунали бажариши, бўшашувчилик, маҳаллийчилик, ишга тор маҳкамачилик билан ёндошиш ҳолларига муросасиз бўлишлари керак. Партия комитетлари ва партия ташкилотлари эса аппарат ходимларининг иш малакасини, соҳани бошқариш борасида уларнинг билимларини ошириш, корхоналарнинг фаолиятини яхшилаш учун иқтисодий омиллардан самарали фойдаланиш бўйича тадбирлар системасини ишлаб чиқишлари ва уни амалга оширишлари муҳимдир.

У. УМАРОВ,
Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари.

(«Правда Востока» газетасининг 1985 йил 23 май сонидан).

Химия ютуқлари—ишлаб чиқаришга

(Давоми. Бошн 1-бетда).

Республика қурилиш материаллари саноати министрлиги қарорларига биноан Ангрен қурилиш материаллари комбинатида цементнинг тажриба партиясини ишлаб чиқариш белгиланди. «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасида «патир» нонларни тайёрлаш учун янги сифатли мой синовдан ўтказилди. Бундан ташқари чигитни қуритиш методи ишлаб чиқилди. Ўрта Осиё озиқ-овқат саноати илмий тадқиқот институти конструкторлик бюроси билан ҳамкорликда бир суткада 100 тонна чигитни қуритиб берадиган тажриба-саноат сушилкасини тайёрлаш учун лойиҳа тошширилди.

«Ковиш» препаратини тадбиқ этиш ҳам муваффақиятли олиб борилмоқда. У жўжаларнинг баркамол ўсиши учун ижобий таъсир қилади. Препарат Фармацевтика институтида ишлаб чиқилди. Ана шу институтнинг олимлари ўнта янги сиртли актив моддалар синтез қилдилар. Улар орасида микробларга қарши курашчан хусусиятга эга бўлган моддалар бор. Шунингдек улар орасидан лилла қуртини ўрашни яхшилайдиган реагинит ҳам ўрин олган.

Давлат университети, медицина, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари, тўқимачилик ва енгил саноат институтларининг химия кафедраларида ҳам олиб борилаётган илмий ечимлар қизиқарлидир. Шунингдек пахта целлюлозаси, химия ва технология, полимерлар химияси ва физикаси ва бошқа илмий-тадқиқот институтларида ҳам халқ хўжалигида катта аҳамият касб этадиган йирик илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

— **Менделеев номидаги Бутуниттифоқ химия жамиятининг Ўзбекистон республика правлениеси олиб бораётган ишлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— Ўзбекистон ССР химия корхоналари ва ташкилотлари илмий-техника жамоатчилиги меҳнат унумдорлигини ошириш, янги техника ва илғор технологияни тадбиқ этишда, комплекс механизациялаш проблемаларини ҳал этишда, шунингдек электрон ҳисоблаш техникасидан фойдаланишда ва бошқаришнинг автоматлаштирилган системаларини яратишда фаол қатнашмоқда.

Ҳозирги пайтда Менделеев жамиятининг республика правлениеси ўз сафида 88 бошланғич ташкилотни бирлаштирган. Жамият аъзоларининг сони 10570 кишидан иборат. Жамиятнинг Тошкент ва Фарғона область правленеилари ишлаб турибди. Олтита бошланғич ташкилотга район правленеси ҳуқуқи берилган.

1984 йилда химия жамияти аъзоларининг иштирокида саноат ассортиментини чиқиндиларини атроф-муҳитга ташлаб юборишни қисқартирадиган қатор тадбирлар амалга оширилди. Республика правленеси ва унинг секциялари илмий конференциялар ва кенгашларни ташкил этиш ва ўтказишда мунтазам қатнашмоқда. Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифати ва ассортиментини яхшилашга қаратилган тавсияномалар ва тақлифларни тадбиқ этиш, энг яхши илмий тадқиқот ечимлари учун конкурс эълон қилинди. Республика химиклари КПСС XXVII съездини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун ўзларининг бутун куч ва ғайратларини аямай сарфлайдилар.





Фрунзе районида ташкил этилган ўқув ишлаб чиқариш комбинатида Тошкент мактабларининг юқори синф ўқувчилари турли хил ишлаб чиқариш касбларини ўрганишмоқда. Педагоглар ўқувчиларнинг танлаган касбларн бўйича чуқур билим ва тажриба эгаллашлари учун барча маҳоратларини ишга солишяпти. Комбинатни муваффақиятли тугаллаган ёшлар Тошкент тўқимачилик комбинатига ишга юборилади.

СУРАТЛАРДА: юқорида — ишлаб чиқариш мастери Рания Ибнеева 26-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Зулхумор Мухитдиновага касб ўргатмоқда; чапда — ишлаб чиқариш мастери Ольга Попова 73-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Ш. Бегалиева билан.

В. Бектугамов фотолари.

Яқинда савдони такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети, Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, «Ўзбекбирлашув» ва «Билим» жамияти правленелари ташаббуси билан уюштирилган бу конференция амалий ишчанлик вазнятида ўтди. Унда аҳолига савдо хизмати кўрсатишнинг ҳозирги аҳволи, КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми талаблари асосида халқ хўжалигининг ана шу тармоғини ривожлантириш йўллари, фойдаланилмаётган резервлар ва илғор тажриба ҳақида фойдали суҳбат бўлди.

Биз Ўзбекистон ССР Савдо министри М. Ҳ. ҲАСАНОВга мурожаат этиб, пештахта ходимларининг ишлари ва режалари, илмий-амалий конференцияда кўтарилган масалалар хусусида сўзлаб беришини сўрадик.

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

САВДО ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

— Мамлакатимизда шу кунларда мамлакатни ривожлантиришда муҳим босқич бўлувчи КПССнинг навбатдаги XXVII съездига фаол тайёргарлик кўриляпти. Унинг аҳамияти муҳокамага киритиладиган масалаларнинг ғоят муҳимлиги билан белгиланади. Барча совет кишилари каби Ўзбекистон ва республика пойтахтининг савдо ходимлари босиб ўтилган йўлга яна бир бор назар ташлаяптилар, қилинган ишларни танқидий нуқтаи-назар билан баҳолаяптилар, аҳолига хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш юзасидан конкрет планларни режалаштиряптилар.

Халқ хўжалигининг ушбу соҳасида камчиликлар ва нуқсонлар, фойдаланилмаётган имкониятлар ва резервлар ҳали анчагина. Олдимизда ғоят қисқа муддатда ишни қайта қуриш, унинг самарадорлигини ошириш, пештахталарда харидорга зарур моллар етарли бўлишига эришиш вазифаси турибди. Лекин тармоқнинг ҳар бир меҳнатчисига талабчанлик оширилгандагина қўйилган вазифага эришилиши мумкин.

Савдо ходимининг меҳнати йил сайин мураккаблашиб ва ранг-баранглашиб боряпти. Ҳозир магазинларда харидорларга бир миллиондан зиёд номдаги молларни таклиф этишяпти. Сотувчи-консультантлар, товаршунослар, бўлимлар ва секцияларнинг раҳбарларидан кўпроқ билим, малака ва маҳорат талаб этилиши шубҳасиздир. Илмий-амалий конференциянинг мақсади КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми талаблари асосида савдодаги аҳволни таҳлил этиш, илғор коллективларнинг тажрибасини умумлаштириш ва ёйиш, савдо хизматини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўлларини белгилаб олишдан иборат эди.

Очиғини айтиш керакки, савдони ташкил этишнинг даражаси хизмат кўрсатиш сифати партия талабларидан, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларидан ортда қоляпти. Ваҳоланки, тармоқда ижодий ташаббускорлик билан ишлаётган, товар оборотини планини муntазам бажараётган, аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини қатъият билан ошираётган, харидорлар эътиборини қозонган коллективлар оз эмас. Демак, бошқа коллективлар ҳам шундай ишлай оладилар.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари аҳолига савдо хизматн кўрсатишдаги жиддий нуқсонларни кўрсатиб берди. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашдаги нуқсонлар ҳақида, топширилган иш учун уларнинг масъулиятини ошириш зарурлиги ҳақида гап бўлди. Бу борада министрлик томонидан нималар қилиняпти?

— Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги томонидан КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари қарорларини амалга ошириш борасида барча ташкилотлар ва корхоналарда тартиб ўрнатиш ва интизомни мустаҳкамлаш, топширилган иш участкасидаги вазифани виждонан бажариш, салбий ҳодисаларни таг-томири билан йўқотиш учун ҳар бир ходимнинг, биринчи навбатда раҳбарларнинг масъулиятини ошириш бўйича ҳар томонлама ва аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб бориляпти. Коллективларда тарбиявий иш кучайтирилди. Товар оборотн планлари барбод этилгани, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми пастлиги учун қаттиқроқ талаб қилиняпти. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин биз ўзларига топширилган участкалардаги ишни таъминламаганликлари учун бир қатор раҳбарларни вазифаларидан озод этдик. Уларнинг ўрнига обрўлироқ, ташкилотчилик ишларига лаёқатлироқ ходимларни танладик.

Тармоқни янада ривожлантириш бўйича комплекс тадбирлар тузилди. Уларда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, савдо-технология жараёнларини такомиллаштириш, меҳнатнинг илмий ташкил этилишини, хизмат кўрсатишнинг истиқболли усулларини жорий этиш ва кадрлар билан ишлашни кучайтириш кўзда тутилади. Тошкент шаҳрида савдони ривожлантиришга ажратиладиган моддий ва пул маблағларидан аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланишга эътибор берилади. Бунда гап, аввало қурилишда отилиқ ёрдами, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини реконструкциялаш ва техникавий қайта жиҳозлаш, оғир ва қийин ишларни механизациялаш ҳақида боряпти.

Кейинги пайтда Тошкентда бир қатор савдо ва умумий овқатланиш корхоналари қурилди. Булар орасида Юнусобод массивидаги Мебель уйи, Халқлар дўстлиги майдонидаги «Олмазор» универсами, «Перспектива», «Ёш техник» магазинлари, «Шарқ», «София», «Фарғона» кафелари бор. Лекин булар ҳали етарли эмас. Савдо моддий-техника базасининг ривожланиши тўрар жой қурилиши суръатларидан ғоят ортда қоляпти.

Савдо министрлиги саноатнинг озиқ-овқат тармоқлари ва автотранспорт министрликлари билан биргаликда савдонинг территориал тармоқлараро рационализациялашнинг комплекс программаси бўйича муайян ишларни амалга оширяпти.

Республика пойтахтининг қатор ташкилотларида тараззиҳозлар қўлланилган ҳолда «Саноат корхонаси — транспорт — савдо зали», «Дала — магазин», «Дала — база — магазин» схемаси бўйича мол етказиб беришнинг янги истиқболли технологияси жорий этилияпти. Истиқболли технологиянинг жорий этилиши пировард натижада хизмат кўрсатиш маданиятини анча ошириш, харидорлар мол харид қилиш учун сарфлайдиган вақтни қисқартириш имконини беряпти.

— Маълумки, аҳолига хизмат кўрсатишнинг даражаси магазинларда яхши моллар бўлишига кўп жиҳатдан боғлиқ...

— Чиндан ҳам, харидор магазинга ўзига зарур буюмни харид этиш истаги билан боради. Башарти, керакли нарса бўлмаса ёки у сифатсиз бўлса савдо ходимлари шаънига эътирозларини эшитишга тўғри келади.

Эътироф этиш керакки, кейинги пайтда Тошкент саноат корхоналари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича харидорлар эҳтиёжини қондириш учун кўп иш қилишяпти. Бироқ, яхши пардозланмаган ва идишларга жойлаштирилмаган паст сифатли молларни етказиб бериш ҳали ҳам давом этяпти. Ўн биринчи беш йилликнинг тўрт йили ичида товарлар сифати бўйича давлат инспекциясининг танлаб ўтказилган текширишлари пайтида 48 миллион сўмликдан зиёд буюмлар сифати ёмонлиги аниқланди ва реализациядан олинди. Ўтган йили республика улгуржи чакана савдо ташкилотлари томонидан 1150 минг жуфт пойафзал ёки текширилган миқдордаги пойафзал 9,1 процентининг (уларнинг бир қисми Тошкентдаги С. Аюпов ва Л. Читалин директор бўлган 1 ва 2-пойафзал фабрикаларники) сифати пасайтирилди ва корхонага қайтарилди. Ассортимент бўйича мол етказиб беришни муддатлари бузилганлиги, буюмларнинг сифати пастлиги учун кейинги тўрт йил мобайнида мол етказиб берувчилардан 116,3 миллион сўм жарима ундирилди.

Пойафзал фабрикаларидан ташқари Тошкентдаги тўқимачилик комбинати (бош директори Б. Эргашев), Сергели мебель бирлашмаси (бош директори А. Мажидов) ва «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси (бош директори П. Тошмуҳамедов) каби корхоналар халқ истеъмол моллари етказиб беришда кўплаб нуқсонларга йўл қўйишяпти.

Шундай экан, ҳали бизда буюмлар сифати кўнгилдагидек эмас. Кўп ҳолларда хом ашё ва материаллардан оқилона фойдаланилмаяпти, меҳнат беҳуда сарфланяпти, савдода ўтмас моллар йиғилиб қоляпти. Бунинг оқибатида давлатга зарар етказиляпти. Харидорлар керакли буюмни харид эта олишмаяпти.

— Аҳолига хизмат кўрсатишнинг яхшиланиши савдо ходимларига бўлган талабчанлик оширилишини қаттиқ талаб этяпти. Республика Савдо министрлиги айнан Тошкент шаҳри бўйича шу йўналишда қандай тадбирлар кўряпти?

— Биринчи кварталда Тошкент шаҳри бўйича давлат савдоси товар оборотн плани фақат 95,9 процентга бажарилди. Бунинг бош сабаби — бевосита савдони ташкил этишдаги нуқсонлардир. Ҳали хизмат кўрсатишнинг истиқболли усулларини жорий этиш даражаси паст, сотувчилар ўз вазифаларини яхши билишмайди. Кўпгина раҳбарлар хорижий молларга умид қилиб ишлайдилар, улар ўйлашадики, ноёб молларни сотиш билангина планни бажариш мумкин. Бу мутлақо нотўғри фикр, бу савдонинг долзарб масалаларини ҳал этишдан чалғитади. Биз аҳолини барча зарур моллар билан таъминлашимиз, эртанги кун эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда савдога буюртма беришимиз, замонавий савдо қилишни ўрганмоғимиз лозим.

Тошкент аҳолисига хизмат кўрсатишдаги аҳвол бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Шу боисдан биз ушбу масалага доимий эътибор беряпмиз, нуқсонлар ва камчиликлар бартараф этилиши учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатяпмиз. Яқинда республика Савдо министрлиги шаҳардаги райпишеторглар ва ошхоналар трестларининг, шунингдек, Ўзбекистон пойтахтида жойлашган улгуржи базалар ва идораларнинг раҳбарлари билан кенгайтирилган кенгаш ўтказди. Савдо хизматининг аҳволи, товар оборотн плани бажарилиши учун қандай тадбирлар кўрилиши зарурлиги ҳақида очиқчасига гаплашиб олинди. Кенгаш қатнашчилари ишни тубдан яхшилашга қаратилган бир қатор фойдали таклиф ва мулоҳазалар билдиришди.

Магазинлардаги товарлар хилма-хиллиги билан қизиқаётган базаларнинг раҳбарлари шаънига жиддий мулоҳазалар билдирилди. Бинобарин, шундай бўладики, базаларда турган моллар савдо тармоқларида бўлмайди. Тошкентда аҳолининг 40 процентини болалар ташкил этади. Аммо шаҳарда улар учун пойафзал, кийим-кечак, трикотаж буюмлари ишлаб чиқарадиган бирорта саноат корхонаси йўқ. Шаҳарнинг ўзида ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган 300 номга яқин буюмни республика ташқаридан ташиб келишга тўғри келяпти. Қисқаси тошкентликларга хизмат кўрсатишни яхшилашнинг омиллари мўл. Уларни ҳаракатга келтирмоқ лозим — савдо ходимларининг бош вазифаси ана шунда.

Министрлик савдо ташкилотларидаги аҳволни пухта таҳлил этди ва шаҳарликларнинг таъминланиши, хизмат кўрсатиш маданиятининг оширилишига халақит бераётган сабабларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўряпти.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумида таъкидлаб ўтганидек: «Саноат моллари ва маиший хизматга бўлган талабэҳтиёжни тўлиқроқ қондириш учун ҳам кўп иш қилиш, товар оборотини керакли маҳсулот билан тўлдириш, бозорда мўл-кўлчиликни таъминлаш, ишлаб чиқарилаётган моллар сифатини яхшилаш ва уларнинг хилини кўпайтириш, нархнаво системасини янада тадбиркорлик билан ташкил этиш, савдо маданиятини ошириш лозим бўлади». Бу сўзларда савдо олдида турган вазифалар аниқ ва равшан ифодалаб берилган. Уларнинг бажарилиши — тармоғимиз ҳар бир меҳнатчисининг биринчи даражали бурчидир. Биз ўз ишимизни партия талабларидан келиб чиқиб ташкил этмоғимиз, аҳолининг эҳтиёжлари тўлароқ қондирилишига, хизмат кўрсатиш маданияти юксалишига эришмоғимиз даркор.

Суҳбатни Н. ЮСУПОВ ва А. ХАТАМОВ олиб боришди.

СССР МОЛИЯ МИНИСТРЛИГИ ВА СССР ДАВЛАТ БАНКИДАН

МОСКВА ШАҲРИДА ЁШЛАР ВА СТУДЕНТЛАРНИНГ XII ЖАҲОН ФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЭСДАЛИК ТАНГАСИНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

Москва шаҳрида Ёшлар ва студентларнинг XII жаҳон фестивали ўтказилиши муносабати билан 1985 йил 25 июнда 1 сўмлик эсдалик тангаси муомалага чиқарилади.

1 сўмлик эсдалик тангаси оқ рангли мис-никель қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 31 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Танганинг ўнг ва орқа тарафлари атрофи бўртиқ бўлади.

Танганинг ўнг томонига СССР Давлат герби тасвири туширилади ва «СССР», «1 рубль» ва «1985» деб ёзилади.

Танганинг орқа томони марказига фестиваль эмблемасининг қабариқ тасвири туширилади, атрофига фестивалнинг «Империализмга қарши бирдамлик, тинчлик ва дўстлик учун» деган шиори ёзилади.

Танганинг гирдига «Один рубль» деган сўзлар ўйиб ёзилади, улар икки нуқта билан ажратилади.

Москва шаҳрида Ёшлар ва студентларнинг XII жаҳон фестивали ўтказилиши муносабати билан муомалага чиқариладиган эсдалик тангаси ҳозир муомалада бўлган тангалар билан бир қаторда давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалар, ташкилотлар, колхозлар ва айрим кишилар томонидан ҳамма турдаги тўловларга, шунингдек, банклар, омонат кассалари ва Алоқа министрлигининг корхоналари томонидан жорий, ҳисоб счётларига ёзиш учун, омонатларга, аккредитивларга ва переводларга ҳеч бир чекланмаган тарзда қабул қилиш учун мажбурий дир.





Суратда: танганинг олд ва орқа томонининг кўриниши.
ТАСС — ЎзТАГ телефотоси.

ШАНБА ОҚШОМИ

Сўлим оромгоҳларда шаҳримиз меҳнаткашлари кўнгилли дам олишмоқда. «Ғалаба» истироҳат боғидаги эпил кўлда қайиқларда сайр қилиш, соя-салқин хиёбонларда дилкашона суҳбатлашиш, шахмат-шашка ўйнаш яхши ҳордиқ чиқаради.

СУРАТДА: «Ғалаба» боғида кўлда сайр пайти.

Х. Мирзакаримов фотоси.

СССРда Вьетнам Социалистик Республикаси маданияти кунлари

ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАН

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

СССРда Вьетнам Социалистик Республикаси маданияти кунларида иштирок этаётган қардош мамлакат китоб нашр этиш ишлари ва матбаачилари группаси Тошкентда меҳмон бўлиб турибди. Меҳмонлар орасида ВСР мудофаа министрлиги ҳарбий нашриётлар бошқармаси бошлиғи, генерал-майор Дуан Ти Онг бор. У мухбиримизнинг бир неча саволларига жавоб берди.



— Ўртоқ Дуан Ти Онг, Вьетнам нашриётлари ҳарбий тематика бўйича қандай адабиётларни нашр этиб чиқармоқда?

— Нашриётларимиз тайёрлаб чиқараётган адабиётлар ғоятда ранг-баранг. Совет халқининг фашизм устидан қозонган ғалабаси ҳар бир совет кишиси учун азиздир. Бу сана бизнинг мамлакатимизда ҳам кенг нишонланди. Биз бу воқеага атаб бир неча ҳарбий сарқардалар, Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуков, Сталинград жанги ва бошқа шиддатли жанглар бўлиб ўтган фронтлар ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар нашр этдик. «Халқ армияси» нашриёти марксизм-ленинизм классиклари асарларини, ҳарбий маҳорат тўғрисида китоблар, справочниклар, бадиий адабиёт асарларини тайёрлаб чиқармоқда.

Биз совет дўстларимиздан қитоб маҳсулотлари тайёрлаш тажрибасини ўрганяпмиз. Ўтган йили матбаачилар ва нашриётчилар делегациясига бошчилик қилиб, Москвада бўлганимизда ҳарбий нашриёт иш тажрибасини ўргандик. Айни чоқда москвалик ҳамкасбларимиз Ханойда бўлишди. Биз китоблар тайёрлаш борасида ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартномани имзоладик. «Прогресс», «Радуга» нашриётлари билан дўстлик алоқаларини олиб боряпмиз. Биз совет муаллифларининг китобларини Вьетнам тилида ҳам нашр этяпмиз.

— Вьетнам китобларини кўргазмасида сизнинг нашриётларингиз тайёрлаган китоблар томошабинларда қизиқиш уйғотмоқда. Бунга қандай баҳо берасиз?

— Совет китобхонлари Вьетнам адабиётлари билан яқиндан таниш эканликлари биз учун қувонарлидир. Совет Иттифоқида Вьетнам муаллифларининг нашр этилаётган китоб ва брошюралари тиражи жуда катта. Бу китоблар мамлакатингиз халқларининг 20 тилида чоп этилмоқда.

— Биз ҳозирги пайтда мамлакатимизда «Вьетнам адабиётлари кутубхонаси» сериясини тайёрлаб чиқаряпмиз. Унинг мавзуси тинчлик, кураш ва бунёдкорликдан иборат. Биз тинчлик йўлидан борар эканмиз, тинч ҳаётни қураётирмиз. Чунки совет кишилари, бутун ер курраси ана шунга даъват этмоқда. Мен она-Ватанимни ҳимоя қилган ҳарбий киши сифатида шу нарсани айтмоқчиманки, Американинг босқинчилик сиёсати даҳшатларини бошидан кечирган менинг халқим фақат тинч бунёдкорлик билан шуғулланиш ниятида. Бутун ер куррасида китобни севиб мутолаа қилишади. Бу китоблар тинчлик, дўстлик, адолат учун олиб борилган кураш ҳақида эсдаликлардан иборат бўлсин!

Биз Тошкент ва унинг диққатга сазовор жойларидан мароқли таассурот олдик. Китоб нашриётчилиги ишлари билан танишдик.

Бундан ташқари В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида бўлдик. Совет ва вьетнам халқлари қардошларча дўстлигимиздаги барча яхши фазилатларни Ленининг номи билан чамбарчас боғлайдилар. Бу ленинча халқлар дўстлигининг ҳаётбахш қудратидир.

• *Ақл-заковат дурдоналари*

ЖАҲОН ЭТНОГРАФИЯ МУЗЕЙЛАРИ

Ҳурматли редакция! Чет мамлакатларда қандай этнография музейлари бор, шулар ҳақида маълумот берсангиз.

О. Худоёрова, ўқитувчи.

Кўпгина чет элларда этнография музейлари мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти университет профилида ҳамда академия муассасаларида ташкил этилган. Масалан, Англияда машҳур Британия музейининг этнография бўлими, Оксфорд университети қошидаги Питт Риверс музейи бор. Британия музейи жаҳон халқларининг, айниқса туб жой аҳолиларининг турмуши ва маданияти, урф-одатларига оид кўплаб этнографик коллекцияларни сақлаб келмоқда. Музейнинг этнография бўлимида Америкининг майя қабиласи маданияти, Африка-Конго халқининг этнографиясига оид, денгиз сайёҳи Д. Кук тўплаган коллекциялар, Полинезия ва Шимолий-Ғарбий Америка халқлари этнографиясига оид буюмлар, Лондон миссионерлари жамияти томонидан тўпланган коллекциялар сақланмоқда.

Оксфорд университетига қарашли Питт Риверс музейининг дастлабки сақловчиси, машҳур олим Эдуард Тейлор ишқибозларни этнография бўлимига жалб этади. Музейнинг илмий-тадқиқот группасидан оламга танилган тарих мутахассиси, этнограф Жеймс Фрезер етишиб чиқди. Ҳозир Питт Риверс музейи — Оксфорд университети антропология кафедрасининг илмий-ўқув базаси ҳисобланиб, у ерда Бирма, Тасмания, Ассам, Океания, Япония халқларига оид қимматли нодир этнографик коллекциялар сақланмоқда.

Этнография тараққиётида Голландия, Франция ва Швеция этнографик музейлари маълум роль ўйнади. Айниқса, ўзининг этнопарклари билан машҳур бўлган Голландиянинг Лейден шаҳридаги Миллий этнология музейи Европада энг йирик муассасадир. Бу музей коллекциялари асосида Голландиянинг собиқ колониялари: Индонезия, Янги Гвинея халқларининг турмуши ва маданиятига мансуб буюмлар ҳамда Африканинг Бенин шаҳри, Марказий Америкининг майя, япон маданияти ёдгорликлари тўпланган. Кўпгина нашр этилган этнографик монографияларнинг манбаини ушбу музейларнинг коллекциялари ташкил этиб, этнографиянинг муҳим масалалари ёритилган. Лейден ҳамда Ротердамдаги география ва этнология музейи Голландияда этнография фани марказидир.

Мавқеи жиҳатидан дунёда энг йирик, кекса музейлардан бири Берлиндаги этнография музейи бўлиб, 1855 йилда ташкил этилган. Унинг фондида дунёнинг турли районларида истиқомат қилаётган халқларга оид 330 мингдан ортиқ экспонат бор.

ГДРдаги Лейпциг этнография музейи ҳам дунёда энг кекса музейлардан бири бўлиб, немис этнографиясида юқори ўринлардан бирида туради. Мана шундай этнографик музейларни Краков, Прага, Париж, Нью-Йорк, Вашингтон, Оттава шаҳарларида ҳам учратиш мумкин.

Билол АМИНОВ, тарих фанлари кандидати.



ШЕЪРИЯТ ОҚШОМИ

Абдулҳай НОСИРОВ

ХАТИНЬ ҚЎНҒИРОҚЛАРИ

Қўнғироқлар бонг урар оғир,
Титроғидан тўлғонар замин.
Уфқларда шафақлар — бағир,
Чайқалади ўрмонлар вазмин.

Қирлар ошиб келган шаббода
Майсазорга яширди ўзин.
Ўғлонини кўтариб ота
Кун нурига тутибди кўксин.

Ҳозиргина ўтга кириб у
Ва ёнғиндан чиқиб келгандай.
Қарашида қаҳрми, ёҳу,
Сабрлари тошиб тўлгандай.

Қўлларида совиб гўдаги,
Қотганида кулгичлари ҳам.
Кабутардай чақнаб юраги
Учиб чиқди самога бардам.

Эҳтимол у шоир бўларди,
Чақмоқ чақиб баҳор кўкида.
Атиргулдай ёниб куларди,
Шеъриятнинг боғи-кўркида.

Сўз ўрнига нон аҳтариб зор,
Кўчаларни кезмасди сарсон.
Алангада жон аҳтариб зор,
Кечалари тўзмасди фиғон...

Жигарлари куйиб афтода,
Қатра ёшдан қорайиб кўзи —
Ўғлонини кўтариб ота,
Кун нурига тутибди кўксин...

Қўнғироқлар титратиб олам,
Бедорликка чорласа такрор.
Бош кўтариб ёнганлар баланд,
Ҳайқиради:
— Жангга, бўл тайёр!

* * *

Севастополь тоғларида ўзбек ўғлонларининг қабрларини кўриб узоқ сукутда қолдим.

Гумбурлади сўнгги
Ўқ ёниб...
Жангчи кўксин
тутдию тонг чоғ
Кўкка қарай олдинда
қониб,
Чинор каби қулади
ногоҳ.

Оғриқни ҳам
сезмади чоғи,
Муштларида тупроқ
қисимлаб—
Орзиқдию тошди
қучоғи,
Ёдга олиб Она исмин
лаб.

Биқинида елда
довдираб,
Қотиб қолган
чақиқлар кабн—
Ўр-ўпқонлар аро
гулдираб,

Мойчечаклар —
юраклар тафти.

Узиб ернинг
саховатидан
Тишларига босаркан
битди:

Оҳ, мойчечак,
ҳароратидан
Чўғландию ловуллаб
кетди.

Шу оташда талпиниб
кўкка—
Мойчечаклар гилам
ёзади...
Совуқ сукут учраб
тўп-ўққа

Мозорларга қулаб
тушади.

* * *

Мамадали Топиволди, суюк акажон,
Совуқ саганага бош қўйган маҳал
Бағримни куйдирар аччиқ бир фиғон:
Сени омон сақлай олмадик сағал.
Озгина бепарво бўлибмиз чоғи,
Ҳушёрликни сен ҳам бир зум йўқотдинг.
Ишонч емирмоққа қўл келди тоғни,
Ёв озод юрганин билмайин қотдинг.

Қора кун кирсанг ҳам биз деб оташга,
Ёндириб шижоат, ғазаб, шўлатни, —
Қуёшли, ёруғ кун қоқилдинг тошга,
Ичдаги ёв тиғи ногоҳ қулатди.
Белорус ўрмонин кезиб бемалол,
Тик бориб фашистга солсанг ҳам қирон.
Орадаги битта бу машъум қаттол,
Панадан юрагинг олибди нишон...

* * *

Уруш —
Ҳамон тушларида қиласан ҳуруж...
Чўчиб уйғонади, ёз осмонида
Юлдузлар порлайди паришон, тўлиб...
Қолиб кетган эмиш жанг суронида,
Болалар фарёди остида толиб...
Эридан қора хат олган кузида
Кетмондан аламин олди, чўкмади.
Қишлоқ хотинлари ёнган кўзида
Қатра ёш кўрмади, пинҳон тўкмади.
Аммо тўнғичининг қабридан хокин
Олиб келган шоми сочи оқарди.

Йиғлама онажон, сен ҳам Белорус,
Йиғлама шеъргинам, ўртанма борим.
Кўксингни баланд тут, тиклан, яна ўс,
Мардона фарзандга — мардлик шиорим.
Ҳаёт-ку улуғвор, чароғон, тўкин,
Боғларда ниҳоллар чамандай тиғиз.
Довқур Мамадали —чақнаган чақин,
Ёвга кўзинг тушса қуларди сўзсиз.

Маҳалла эшитмай йиғисин, лекин,
Томига оқарди — дарди ёқарди...
Ўрик тўп тушади, ёз осмонида
Юлдузлар порлайди паришон, тўлиб.
Қўш-қўш набиралар икки ёнида
Пишиллаб ухлайди лаблари кулиб.
Анови ўйинда бўшай демайди,
Бериси эртакка берган қулоғин.
Шукур, ўзларидан тиниб кўпайди...
Шулар-да тоширган меҳр булоғин.
Шундай, ҳушларида берасан қанот —
Ҳаёт...

БУХОРОЛИК АҲАТ БОЗОРОВ МОНОЛОГИ

Ватан,
«...айрилмасман қучоқларингдан...»*
Ирмоққа айланиб оқиб бораман
Ва қайнаб чиқаман булоқларингдан,
Далалар бағрига қалқиб бораман.
Жангу жадалларда сой бўлди қоним,
Қуксим тўлди маълун темирларига.
Оғриқдан инграган юрагим, жоним
Туташиб кетди ер томирларига.
Боғларинг бўйидан тўлғониб ногоҳ,
Нафасим меҳрдан орзиқса ёниб —
Иссиқ кучоғингдан топиб жон, паноҳ,
Ватан, тупроғингни ўпаман қонниб.
Албон лолаларга айланиб баҳор,
Жомимга тўлдириб қирмизи ёшим —
Ватан, мангу бахтинг куйлайман бедор,
Ҳар саҳар қуёшга қўтариб бошим.

* Уйғун сатри.

РОМИТАН ЁДГОРЛИГИ ҚОШИДА ЁЗИЛГАН ШЕЪР

Тошларга ўйилган номларни ўқиб,
Фарёддан отилиб кетса юрагим —
Эргашевлар чиқар уфқимга қалқиб
Суронлар ўтидан — кериб кўкрагин.
Улар кўп... Қайтмади жанг майдонидан...
Мармарга айланиб туришар қатор.
Кўмирдай қорайиб—кечиб жонидан,
Тинчлик қўшиғини айтдилар наҳор.
Чўғ бўлиб элу юрт жигарпораси,
Тириклар кўзида оқиб шашқатор —
Оналар бағрини ўйиб яраси,
Тинчлик қўшиғини айтдилар наҳор.

Вулқондай айқириб бетинч очунда,
Ўқ бўлиб жанг-ажал бўғзида бедор —
Албон байроқларга айланиб тунда,
Тинчлик қўшиғини айтдилар наҳор.
Момо офтоб ила порлаб самода,
Шуълага ўралиб рангин, пурвиқор,
Эрк бўлиб, қалбларда ёниб знёда,
Тинчлик қўшиғини айтдилар наҳор.
Тошларга ўйилган номларни ўқиб,
Фарёддан отилиб кетса юрагим—
Эргашевлар чиқар уфқимга қалқиб:
— Бизлардай курашиб ёқ келажагинг...

ИЧКИЛИКБОЗЛИК—ҲАЁТИМИЗГА ЁТ НАРСА

Ҳушёрлатади

ҲУШЁРГА—ТОЛЕ ЁР

● Ҳушёрлик—ҳаётнинг зийнати, умрнинг лаззати.

● Ақл—ҳушёрликнинг отаси, эътиқоднинг онаси.

● Ҳушёр одамнинг йўлида доим қуёш порлаб туради.

● Иродасиз одам нафс жиловини ушлолмай, унинг қулига айланади ва турли балоларга дучор бўлади.

● Бир донишмандан сўрашди:
— Ичкиликбознинг ёмон иллати нима?
— Ақл-ҳушни майга қурбон қилиб, ҳушёрликни бой бериш — ёмон иллат, телбалик аломатидир.

● Ичкилик кайф-сафоси уммонига шўнғиган одам ёруғ олам лаззатларидан маҳрум бўлади.

● Майхўрликнинг ибтидоси кайф-сафо, интиҳоси азоб ва ўлимдир.

● Ақл-заковат билан яратилган бахт-саодат қасрини ичкилик сели барбод этади.

● Ҳушёрни бахт-толе қидириб юрса, сархуш уни излаб тентираклайди.

● Ичкиликбоз одамларнинг иродаси заиф ликнннннннннннннннннннкх—.Зр бўлгани учун жаҳллари тез чиқиб, ичи бўш ноғоратек кўп бақиришади.

● Ҳушёр одамлар ҳаётда учрайдиган қийин муаммоларни ақл-идрок билан ечиб, ўзларига равон йўл очадилар.

● Бадмаст одам қутурган жонивор каби тентираб юрар йўлини, қилар ишини билмайди.

Т. АШРАФХОНОВ тайёрлаган.

Чиройли боланинг айби

(ШИНГИЛ ҲИКОЯ)

«Шодлик» бекатида автобусга чиқдим-да, ўтирган одамларга тортинибгина назар ташладим.

— Рустам ака, ассалому алайкум, келинг бу ёққа,—деган ёқимли овозни эшитиб ўнг томонга қарадим. Иккинчи қатордаги ўриндиқда ўша адлқомат, оқ олма юзли мактабдошим Насиба боласини елкасига суяб, менга гулдек очилиб кулиб турарди. Ёнидаги ўриндиққа бориб ўтирдим-да, ҳол-аҳвол сўрашдим.

— Ўғлингизми, Насиба? —дедим мурғак гўдакнинг момиқ кўлларини ушлаб,— оти нима бу полвоннинг?

— Оти Шукуржон, — деди Насиба ўғлига ниманадир маъюс тикилиб, магадир маъюс тикилиб, —икки ёшга кирди, тоби йўқ, дўхтирдан келяпмиз...

Мен ўғлининг ранг-рўйига қараб, ҳайрон бўлдим: боланинг юзлари лўппи, лаблари олчаранг, киприк-кошлари қоп-қора, қуралай кўзлари мунчоқдек нурланиб, болаларча табассум қилиб турибди. Насиба ўғлини шунақанги келишгириб, шунақанги ярашиқли киййнтирибдики, худди кўғирчоққа, чиройли қўғирчоққа ўхшайди, лекин бола нимжон кўринади.

—Нима тоби йўқми, Насиба? —сўрадим секингина.

— Ўғлим ногирон туғилган, — сиинқ товуш билан эзилиб гапирди Насиба,— буни ҳаммага айтиб бўлмайди, сиз мактабдошимсиз... Дадаси кўп ичардилар, никоҳ ойларимиз менга ҳам зўрлаб ичирардилар... Дўхтирлар айтишди, ўша ичкилик касофати болага урибди, ўғлим бечора бўйнини тутолмайдиган бўлиб ногирон туғилган... Кечирасиз, мен тушадиган бекат мана шу, келиноймини олиб бизникига келинглар... Хайр.

Насиба даст ўрнидан турди-да, боши чайқалиб кетаётган ўғлини чап қўли билан кенг кўкраги устига ётқизди. Ўғилчаси бўйнини тутолмаганидан боши жонсиз ғозникидек дам у ёнга, дам бу ёнга осилиб тушар, гўё айланиб кетаётгандек эди. Юрагим орзиқиб кетди. Бир неча минутлик кайф-сафо деб ичкиликбозлик қилган, дунёга янги келган мурғак гўдакни ногирон қилган Насибанинг эрини танимасам ҳам, унга ич-ичимдан нафрат ўқидим.

Автобусдаги одамлар ҳам Насибанинг қўлидаги кўғирчоқдек норасидасининг бўйни тутолмайдиган бўлиб қолганига ачиниб, ҳайрат билан қотиб қолишди.

«Ичкилик касофати бечора ўғлимга урибди»— Насибанинг синиқ овози қулоғим остида нола қилаётгандек бўлиб кетди, бегуноҳ чиройли боланинг айбдор бўлиб қолганини ўйлаб қалбим титраб кетди, автобус ҳам бу ҳолатга ачингандек гувиллаб, титраб-тебраниб бекатдан кўзғалди.

Тўлқин РАСУЛЕВ.



— Юқорида муштлашиш бўлаяпти, шекилли!


— Ҳа, қўшнимиз ўғлининг туғилган кунини нишонлаяпти.

Алкоголь ёр:— Менн танияпсанми, хотинжон!

Хотин: —Турқинг курсин, пиянистa.

ЧОЛ:— Милиционер ўғлим, мана бу бадмастни ўн беш кун тарбиялашга юборинг, ўтганнинг —ўрогини, кетганнинг — кетмонини олиб юрибди.

М. Унгаров расмлари.



Клуб советининг раиси халқаро гроссмейстер Георгий Аъзамов



ШАХМАТ ЮЛДУЗЛАРИ

Беш карра тож соҳибаси

(Нона Гаприндашвили — 1962 йилдан 1978 йилга қадар жаҳон чемпиони унвонини қўлда сақлаб турган беш карра тож соҳибидир).

Бу даврда эркаклар ўртасида чемпионлар тез-тез ўзгариб турди. Лекин аёллар ўртасида чемпион унвонини 16 йил давомида Нона Гаприндашвили сақлаб турди. У фақат беш карра жаҳон чемпиони бўлибгина қолмасдан, айни пайтда фақат аёллар шахмати тарихидагина эмас, балки эркаклар ўртасида ҳам расмий равишда гроссмейстер унвонини қўлга киритган ягона аёлдир.

Зугдиддаги ўқитувчи Терентий Гаприндашвили оиласидагиларнинг ҳаммаси шахматни севишарди. Беш ёшли Нона ҳам ўзининг беш акаси ўйинларини кузатиб бориши туфайли шахматга қизиқиб қолди. Унинг бу соҳадаги қобилияти анча эрта маълум бўлди ва жамоат эътиборига тушди.

Нона Гаприндашвили кейинчалик ўз шахмат маълумотини СССРда хизмат кўрсатган тренер Вахтанг Карселадзе раҳбарлигида Тбилисидаги пионерлар саройида оширди. У мусобақаларда жуда яхши қатнашарди. 1956 йилда катта спорт саҳнасига чиқди, бир неча йирик мусобақаларда ғалаба нашидасини сурди. 1960 ва 1961 йилларда у Тбилиси, Батуми, Сухуми шаҳарларида ўтказилган халқаро турнирларда ғолиб чиқди.

Нона Гаприндашвили 1961 йилда ўтказилган даъвогарлар турнирида муваффақиятли қатнашди. У турнирда биринчи ўринни эгаллаб Е. Бикова билан жаҳон чемпиони унвони учун беллашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Бу матч 1962 йилнинг кузида Москвада бўлди ва 9:2 ҳисобида ёш даъвогарнинг фойдасига ҳал бўлди. У етти партияни ғалаба билан якунлаб, тўрт партияда очколарни баҳам кўрди. Бу 21 ёшли шахматчининг ажойиб ғалабаси эди.

Кейин Нона Гаприндашвили ўзининг чемпионлик унвонини беш марта ҳимоя қилди. 1965, 1969, 1972 йилда у билан фақат бир шахматчи — даъвогар А. Кушнир беллашди.

1975 йилда тўрт марта жаҳон чемпиони яна бир талантли шахматчи Нона Александрия билан беллашди. Бу сафар ҳам ғалабага эришди.

Кейин ўтказилган саралаш мусобақалари цикли тбилисилик 16 ёшли ўқувчи қиз Майя Чибурданидзенинг ажойиб ғалабаси билан якунланди. Грузия шахмат мактабининг икки йирик намояндаси Н. Гаприндашвили ва М. Чибурданидзе ўртасида 1978 йилда бўлган учрашув 17 ёшли Майянинг ажойиб ғалабаси билан якунланди. У хотин-қизлар ўртасида олтинчи чемпион бўлди.

Н. Гаприндашвилининг даъвогарларнинг кейинги икки матчида ўз унвонини қайтариб олиш учун қилган ҳаракатлари самара бермади. Шунга қарамасдан беш марта жаҳон чемпиони ҳамон жаҳондаги энг кучли шахматчилардан бири бўлиб қолмоқда.

Нона Гаприндашвилининг ўйини ташаббусни қўлга олиш учун бўлган интилиш билан ажралиб туради, Бунинг учун у қурбонлар беришдан ҳам тап тортмайди. Шу боисдан ҳам у 1977 йилда чоп этилган китобини «Тавакkалчилик тарафдориман» деб атади.

Нона Терентьевна Гаприндашвили 1943 йил 3 майда туғилган. 1959 йилдан буён СССР спорт мастери, 1962 йилдан буён халқаро мастер, 1975 йилдан буён халқаро гроссмейстер, ҳизмат кўрсатган спорт мастери, Ленин ордени кавалери, «64 Шахматное обозрение» журнали редколлегиясининг аъзосидир.

СССР спорт мастери М. МУҲИДДИНОВ тайёрлаган.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ

25 МАЙ, 1985 й.

ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

ДУШАНБА, 27. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Футбол шарҳи.
10.10 «Агар биз бирга бўлсак». Телевизион бадиий фильм.
11.15 «Саёҳатчилар клуби».
12.15 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Узоқ ва яқин». Телефильмлар: «Шеъриятнинг шифобахш ҳавоси», «Йиллар оша нигоҳ ташлаб».
15.55 «Бил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув кўрсатуви.
16.25 «Буратино кўргазмаси».
16.55 «Хўрозча ва офтобжон». Мультфильм.
17.05 Россияда 1905—1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллигига. «Дастлабки Совет».
17.35 Оғир атлетика бўйича Европа чемпионати. Польшадан олиб кўрсатилади.
18.15 «Ишлар ва одамлар». «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасида иқтисодий экспериментнинг бориши тўғрисида.
18.45 «Мўлжални кўряпман». Денгиз чегарачилари ҳақида телефильм премьераси.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Етмишинчи баҳор». Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. В. Гиталов ҳақида телефильм премьераси.
20.20 «Эртага — Чегарачилар куни». СССР Давлат Хавфсизлик комитети чегара қўшинлари бошлиғининг ўринбосари, генерал-лейтенант И. П. Полежаев сўзи.
20.35 «Чегарачилар, Сизлар учун». Концерт.
21.30 «Время».
22.05 «Тор оилавий даврадаги шундай аломат кеча». Телеспектакль премьераси.
23.45 «Дунё воқеалари».
24.00 Футбол шарҳи.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Бу оламдан бохабар бўл». Телефильм.
9.35, 10.35 Тарих. 8-синф. «Россияда биринчи» (Россиядаги дастлабки «Меҳнатни озод этиш» марксистик группаси ҳақида).
10.05 «Рус тили».
11.05 А. С. Пушкин. «Капитан қизи».
11.35 Музика. 6-синф. С. Прокофьевнинг «Золушка» балети.
12.05 «Сиз яратган боғ».
12.35 Тарих. Якобин диктатураси.
13.05 Физика. Робот техникаси.
13.35 Умумий биология. Жониворлар ва атроф муҳит.
14.05 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. «Депутатлар наказн».
14.35 «Сенинг ленинча кутубхонанг». В. И. Ленин. «Партия ташкилоти ва партия адабиёти».
15.20 Л. Н. Толстой драматургияси. 2-кўрсатув.
16.00 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 Ритмик гимнастика.
19.20 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.20 «Баржом лавҳалари». Телефильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Кичик юлдузлар». Бадиий фильм (Вьетнам).

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Нега энди филлар». Мультфильм.
18.30 «Ўсмир ва қонун» (рус.).
19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурчга садоқат...»
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Нақадар гўзал бу куй...» Тошкент ва Чирчиқ шаҳарлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти.
20.15 Врач маслаҳати. «Овқатланиш режими».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Созандалар ҳақида ҳикоялар» А. ва Э. Зоҳидовлар чалади (фортепьяно).
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 Чегарачилар кунига. «Транссибирь экспресси». Бадиий фильм.
23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.05 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси
18.10 «Рекламация». Телефильм.
18.40 Ўқитувчилар учун консультация. Олти ёшдаги болаларни ўқиш ва ёзишга ўргатиш (рус.).
19.10 «Қорақум характери». Ҳужжатли фильм.
19.20 «Чинор». Илмий-оммабоп программа (рус.).
19.50 «Бир кулгин, кичкинтой». Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Пушкинхонлик».
21.30 МТ II

СЕШАНБА, 28. V

ЧЕГАРАЧИЛАР КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Буратино кўргазмаси».
10.10 «Кичик юлдузлар». Бадиий фильм.
11.20 Сибирь Давлат рус халқ хорининг концерти.
12.00 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Мамлакат телестудияларининг ҳужжатли фильмлари: «Эртанги кун лойиҳаси», «Доғистон миллионлари».
16.05 «Театр ва замон». Бир спектакль тарихи.
17.15 «Стадион ҳамма учун».
17.45 В. Моцарт. 38-«Прага» симфонияси.
18.15 «Фан ва турмуш».
18.45 «Махсус зона». Алоҳида контроль пропуск пунктларининг чегарачилари ҳақида телефильм премьераси.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 А. Литвиненко куйлайди.
19.55 «Иссиқкўлнинг алвон лолалари». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев). — «Спартак». Танаффус пайтида (22.45) —«Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Бунёдкорлик йўлидан». Ҳужжатли фильм.
9.35, 10.35 Табиатшунослик. 2-синф. Мен ўрмон бўйлаб бораман.
9.55 «Витим қирғоқлари». Илмий-оммабоп фильм.
10.05, 14.00 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.55 «Эҳтиёт бўлинг, водород». Илмий-оммабоп фильм.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Эстетик тарбия.
11.35, 12.40 Ботаника. 5-синф. Ўсимлик — бир бутун организм.
11.55 «Қадрдон Мешчера». Илмий-оммабоп фильм.
12.05 «Шахмат мактаби».
12.35 Жамиятшунослик. Давримизнинг асосий мазмуни. «Капитализмдан социализмга ўтиш» темасига оид.
13.30 Умумий биология. Микроэволюция.
14.30 Тарих саҳифалари. Карл Маркс. «Ўсмирнинг касб танлашдаги ўйлари».
15.00 В. В. Маяковскийнинг гражданлик лирикаси.
16.00 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
20.00 «Музикали киоск».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 Енгил атлетика бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари.
21.30 «Время».
22.00 Н. Долинина. «Доктор Жуков, йўлга». Телеспектакль.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Қандай қилиб чемпион бўлиш мумкин». Мультфильм.
10.30 «Артек» табассуми». Фильм-концерт.
11.00 «Транссибирь экспресси». Бадиий фильм.
12.30 «Болалик — бу камалаклар жилоси» (рус.).
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Чурек ва кичкинтой». Мультфильм.
18.25 Болалар учун концерт.
19.05 «Миллионлар ленинча университети». «Тарбияга комплекс ёндошиш».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Она қалби оёққа турса...» Адабий композиция.
20.30 «Ахборот».
20.50 Нов Давлат ўзбек музикали драма театри артистларининг концерти (Тожикистон ССР).
21.30 Москва. «Время».
22.00 «РАПО: тажриба ва муаммолар».
22.25 А. Дударов. «Остона». А. П. Чехов номидаги Самарқанд Давлат рус драма театрининг спектакли (рус.).

● ЎзТВ II

9.00 — 16.05 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Вақт атомларга бўлинмайди». Илмий-оммабоп фильм.
18.30 Ўқитувчи экрани. Дарс самарадорлигини оширишда ўқув телевидениесининг роли.
19.00 «Бригадирнинг дастхати». Телефильм.
19.15 «Чегарада кунлар ва тунлар». Чегарачилар кунига бағишланган кинопрограмма.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Эстафета давом этади...»
21.00 «Озиқ-овқат программаси звенолари» (рус.).
21.30 МТ II

ЧОРШАНБА, 29. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Ҳайвонот оламида».
10.40 «Иссиқкўлнинг алвон лолалари». Бадиий фильм.
12.15 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Қишлоқ уфқлари». Ҳужжатли фильмлар.
15.55 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?»
16.30 «БАМ қурилиши давом этади».
16.55 «Вьетнамнинг анъанавий қўғирчоқ театри». 1-кўрсатув.
17.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.15 «Эҳ, эркаклар, эркаклар...» Смоленск область, Поченковск райони «Заря» колхозидаги ичкилик истеъмол қилмайдиганлар жамияти ҳақида.
18.45 «Сиз яратган боғ».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
20.00 «Дивизия командирининг бир куни». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 Союзлар уйининг Колонна залида М. А. Шолохов туғилган куннинг 80 йиллигига бағишланган кеча.
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Шафқат солдатлари». Илмий-оммабоп фильм.
9.35, 10.35 Жамиятшунослик. 10-синф. Ҳаракат диалектикаси. СССРда ривожланган социализм жамияти ҳақида.
10.05, 14.10 Немис тили.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Тарих. В. И. Ленин — Октябрь доҳийси.
11.35, 12.40 Тарих. 9-синф. СССРда маданий революция.
12.05 «Фан ва турмуш».
13.10 Физика. Вазнсизлик ва ортиқча юк.
13.40 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
14.40 Ўқитувчига музика сабоғи. 6-синф. 2-кўрсатув.
15.20 И. Ильф ва Е. Петров. Асарлари саҳифаларида.
16.15 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
19.10 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». СССР халқ рассоми Э. Калнинь.
19.45 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Минск) — «Динамо» (Тбилиси). 2-тайм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Инсон. Ер. Коинот».
21.30 «Время».
22.05 «Коломба». Уч серияли телевизион бадиий фильм (Италия). 1-серия.
23.00 «Театр, кино ва телевидениеда музика».

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Яна бир бор қувончли кун». Телефильм.
10.40 Мактаб ўқувчилари учун. «Ёш сеҳргарлар».
11.30 «Қорақумда». Бадиий фильм.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Сепкилвой варрак учиради». Мультфильм.
18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Болалар уйининг эгалари» (рус.).
19.10 «СССР ва иттифоқдош республикалар иқтисодий тараққиётининг антимарксистик концепциясини танқид» Бутуниттифоқ илмий конференциясига. «Буржуа идеологиясини танқид ва контрпропаганданинг актуал масалалари».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Футбол чорраҳаларида».
20.15 «Пиллакорларнинг меҳнат рапортлари».
20.30 «Ахборот».
20.50 Ёш ижрочилар концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Ғариб ва Санам». Уйғур музикали драма театрининг спектакли.
23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.20 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Шимол дарёлари эртаги». Телефильм.
18.35 «Совет хотин-қизлари». Кинопрограмма.
19.40 «Умиднинг ўн икки соати». Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.).
20.55 Регби бўйича СССР чемпионати. «Политехник» (Тошкент)—«Вайрас» (Шауляй). Ёзиб олинган репотаж.
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА, 30. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Қувноқ стартлар».
10.25 «Дивизия командирининг бир куни». Бадиий фильм.
11.55 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Социалистик мамлакатлар ҳужжатли фильмлари.
16.00 «Ўсмирлар ижоди».
16.25 «Ёзувчи кундалиги». В. Поволяев.
16.55 «Вьетнамнинг анъанавий қўғирчоқ театри». 2-кўрсатув.
17.25 «Горнчилар, қаердасиз!»
17.55 Қадимий куйлардан концерт.
18.25 «Миллионлар ленинча университети».
19.00 «Расмларда қуёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Қария қандай қилиб сигирини савдо қилди». Мультфильм.
19.35 «Дунё ва ёшлар».
20.10 «Ёшлик билан учрашув». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз». Поэзия. А. Софронов.
22.30 «Джаз панорамаси».
23.05 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Лэутар тароналари».
9.45 Ҳужжатли фильмлар: «Воронеж», «Мстиславль: даврлар занжири».
10.20 М. Раухвергернинг «Қизил Шапкача» операси.
11.40 «Мактаб остонасида». Телефильм.
12.30 Арфа квартети чалади.
12.50 «Маобит дафтари». Бадиий фильм, субтитр билан.
14.20 «Сиз яратган боғ».
14.50 Испан тили.
15.20 Мультфильмлар: «Эртакларнинг эртаги», «Похол бузоқча».
15.55 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Кавказ сўқмоқлари». Илмий-оммабоп фильм.
19.00 «Шахмат мактаби».
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Танишинг: Вихухоль». Телефильм премьераси.
21.00 Бокс бўйича Европа чемпионати. Венгриядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Коломба». Телевизион бадиий фильм (Италия). 2-серия.
23.00 «Музика ҳамма учун».

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Инсон ва табиат». Кинопрограмма.
11.15 «Ақлли буюмлар». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.).
12.20 «Пионерлар мамлакатида».
12.50 Телефильм.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Футбол юлдузлари», «Сепкилвой — изқувар». Мультфильмлар.
18.40 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш.
19.00 «Ўзбекистон энергетикаси». «Муаммолар ва ечимлар» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ўзбек адабиёти классиклари». Фурқат. Туғилган кунининг 125 йиллигига.
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Тожиев. «Хотира» симфонияси. Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси камер оркестри ижро этади.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Помир» (Душанба)—«Пахтакор» (Тошкент). 2-тайм. Душанбадан олиб кўрсатилади.
22.50 «Июнь — ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой».
23.10 «Тавба-тазариқ». Алкоголизмнинг зарари ҳақида телефильм.
23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.00 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Фестиваль альбоми». «Илҳом»да учрашув» (такрорий).
18.45 «Советлар мамлакатининг кишилари». Кинопрограмма.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 Реклама.
20.35 «Ўзбекистон». Тележурнал.
20.55 «Ёнғиндан эҳтиёт бўлинг» (рус.).
21.30 МТ II

ЖУМА, 31. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Ўсмирлар ижоди».
10.05 «Ёшлик билан учрашув». Бадиий фильм.
11.25 Спорт ҳақида телефильмлар.
12.10 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Агар марза чопилса». Ҳужжатли фильм премьераси.
15.40 Тунис артистлари ижро этади.
15.55 «Рус тили».
16.25 «Подмосковье қишлоғининг бугуни ва эртанги куни».
17.00 «Сергей Лазо». Ҳужжатли фильм.
17.10 «Эртак ҳузурида меҳмонда». Мультфильмлар.
18.30 «Ҳозирги давр ва ишчилар ҳаракати».
19.00 «Қувноқ нотачалар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Тугмача». Катталар учун мультфильм.
19.40 «Инсон ва қонун».
20.10 СССР Давлат мукофотининг лауреати, шоир М. Матусовскийнинг авторлик кечаси.
21.30 «Время».
22.05 М. Матусовский авторлик кечасининг давоми.
23.15 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 Халқаро конкурс лауреати Е. Саранцева чалади (фортепьяно).
9.35 «Дўстлар». Ҳужжатли фильм (ЦСДФ ва «Дефа» ҳужжатли фильмлар студияси (ГДР).
10.00 «Шарур» халқ рақс ансамбли коллективининг концерти.
10.30 Поэзия. А. Прокофьев.
11.20 «Оператор Кипснинг янги саргузаштлари». Мультфильм.
11.40 «Қадрдон оҳангларда қанча туйғулар...» Фильм-концерт.
12.10 Болалар учун фильм. «Икки океан сири». 1-ва 2-сериялар.
14.30 Инглиз тили.
15.00 ДНЕПРОПЕТРОВСК ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
16.00 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 Бокс бўйича Европа чемпионати. Венгриядан олиб кўрсатилади.
19.15 «Юз йиллар оша кўприклар». Ҳужжатли фильм.
19.25 В. Репин чалади (скрипка).
20.00 «Онамларнинг мактаби».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Ритмик гимнастика.
21.15 «Бекажон». Телефильм (Тошкент).
21.30 «Время».
22.05 «Коломба». Телевизион бадиий фильм (Италия). 3-серия.
23.00 Сув полоси бўйича халқаро турнир. СССР — Куба терма командалари. Тбилисидан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Андроников сўзи». Бадиий ўқиш.
11.25 «Ақлли буюмлар». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.).
12.30 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий).
12.50 Телефильм.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 80-йиллар комсомоллари».
18.40 «Рус тили — армия хизматига чақирилувчиларга».
19.00 КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олайлик! «Тўқувчилар». Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи вакиллари билан учрашув (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Адабий театр. Э. Воҳидов. «Исён».
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси мақомчилар ансамбли солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 «Кино оламида».
23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.05 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Ўзбек совет адабиёти. Абдулла Орипов (рус.).
18.50 «Классик куй саҳифалари».
19.40 «Бир пациент кўзи билан». Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Н. Тихонов. «Йиллар ва йўллар». Адабий кўрсатув.
21.05 «Алкоголизмга қарши кураш — умумхалқ иши».
21.30 МТ II

ШАНБА, 1. VI

ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
10.10 Бокс бўйича Европа чемпионати. Венгриядан олиб кўрсатилади.
11.10 «Поэзия». О. Фокина.
11.40 «Ёнингдами, ўртоқ...»
12.40 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига. «Москвичка» телеклуби.
14.05 «Камалак» халқ ижодиёти телепрограммаларининг VI Халқаро фестивали. «Халқ костюмлари» (Ирок).
14.35 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
15.05 «Дунё воқеалари».
15.20 «Дўстим Суқротжон». Болалар учун телевизион бадиий фильм премьераси.
16.25 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
17.25 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
17.55 «Ўсимликлар олами».
18.40 Сиёсий шарҳловчи А. З. Ивашченко суҳбати.
19.10 «Бизга дунёни асраб қолиш васият қилинган». Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган социалистик мамлакатлар бадиий ҳаваскорлик ижодиётининг III фестивали.
20.15 «Том Сойер ва Гекльберри Финн саргузаштлари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 Бокс бўйича Европа чемпионати. Венгриядан олиб кўрсатилади.
23.20 Тото Кутуньо куйлайди (Италия).
00.05 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 Телефильмлар.
10.00 ГОРЬКИЙ ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
11.00 «Тонгги почта».
11.30 «Саёҳатчилар клуби».
12.30 «Кинопанорама».
14.10 «Қўғирчоқ билан аллалаш». Телефильм премьераси.
14.30 «Телевидение соврини» учун мўлжалга олиш спорти бўйича мусобақалар.
15.00 СССРда ВЬЕТНАМ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИНИНГ ЁПИЛИШИ. Тошкентдан олиб кўрсатилади.
16.00 «Халқаро обзор».
16.15 Москва. Консерваториянинг Катта зали. Ф. Шопен, Ф. Лист, С. Рахманинов асарлари.
17.45 «Ўрмон сайёҳлари». Мультфильм.
18.05 С. М. Киров номли Ленинград Давлат академик опера ва балет театри балет артистларининг концерти.
19.00 Сув полоси бўйича халқаро турнир. СССР—Венгрия терма командалари. Тбилисидан олиб кўрсатилади.
19.30 «Дўстлар». Мультфильм.
19.45 «Здоровье».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Концерт.
21.00 «Бир севги тарихи». Телефильм премьераси.
21.30 «Время».
22.05 «Дугонажоним». Телевизион бадиий фильм премьераси.
23.20 Академик эшкак эшиш бўйича «Катта Москва регатаси» халқаро мусобақалар.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Сайёрамиз эртаси». Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган кинокўрсатув.
11.15 «Ёнар тоғ хазинаси». Бадиий фильм.
12.35 «Оналар мактаби».
13.05 «Спорт кинопанорамаси».

* * *

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Айиқча». «Бир аломат дўстлик тарихи». Мультфильмлар.
18.40 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига. «Биз — жаҳон болалари».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Салом, фестиваль!» Москвада бўладиган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали олдидан.
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Турғунбоева номидаги хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» рақс ансамбли иштирокида жаҳон халқларининг рақслари.
21,30 Москва. «Время».
22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
22.25 «Офицерлар вальси». Бадиий фильм («Туркменфильм», рус.).
23.45 Кўрсатувлар программаси.

●

9.00 — 16.15 МТ II
17.45 — 21.30 ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

ЯКШАНБА, 2. VI

МЕЛИОРАТОРЛАР КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мелиораторлар кунига бағишланган телефильмлар.
10.15 «Спортлото»нинг 22-тиражи.
10.25 «Будильник».
10.55 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
11.55 «Здоровье».
12.40 «Тонгги почта».
13.10 «Қишлоқ янгиликлари».
14.10 «Музикали киоск».
14.40 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ бадиий кўргазмаси.
15.10 «Мен биладиган Италия. Эмилия-Романья».
16.10 «Бугун — Мелиораторлар куни». Кўрсатувда СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри Н. Ф. Васильев иштирок этади.
16.40 Мелиораторлар кунига бағишланган концерт.
17.30 «Саёҳатчилар клуби».
18.30 «Халқаро панорама».
19.15 «Том Сойер ва Гекльберри Финн саргузаштлари». Уч серияли телвизион бадиий фильм. 2- ва 3-сериялар.
21.30 «Время».
22.05 «Кулги кечаси» кўрсатуви саҳифаларида.
23.15 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!»
9.15 «Расмларда қуёш акси бор».
9.30 Ритмик гимнастика.
10.00 «Рус тили».
10.30 Ўзбекистон ССР Давлат телерадиосининг камер оркестри чалади. Тошкентдан олиб кўрсатилади.
11.00 «Чақмоқ билан юзма-юз». Телефильм.
11.20 Концерт.
12.00 «Кинотомошабин ҳамроҳи».
12.45 «9-студия».
13.45 «Эртак ҳузурида меҳмонда». Мультфильмлар.
15.10 «Ҳайвонот оламида».
16.10 «Камалак» халқ ижодиёти телепрограммаларининг VI Халқаро фестивали. «Халқ костюмлари» (Ирок).
16.40 «Эврика саргузашти». Мультфильм.
16.50 «Дунё ва ёшлар».
17.25 «Машҳур совет композиторлари — Ленин мукофотининг лауреатлари». Г. Свиридов.
18.15 «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби. Тинч океан флоти ветеранларининг учрашуви.
19.45 Спорт гимнастикаси бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. Норвегиядан олиб кўрсатилади.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Ҳақиқат битта бўлади». Ҳужжатли фильм.
21.00 Сув полоси бўйича халқаро турнир. Югославия — СССР терма командалари. Тбилисидан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Сув эгаси». Телевизион бадиий фильм.
23.15 Академик эшкак эшиш бўйича «Катта Москва регатаси» халқаро мусобақалар.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Кема 3 соат туради». Бадиий фильм (ёшлар тарбияси ҳақида).
11.40 «Шахмат мактаби».
12.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар».
13.10 Чолғу куйларидан концерт.
13.40 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун» (рус.).
14.20 Реклама.

* * *

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Филча ва мактуб», «Дўстим соябон». Мультфильмлар.
18.25 Болалар учун. «Бойчечак».
18.55 «Бугун — Мелиораторлар куни» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Иллюзия ёки циркда 30 минут». Ҳужжатли фильм.
20.15 Катталар учун мультфильмлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Дебют». Ёш хонандаларнинг конкурс программаси. С. Казиева ва Н. Хаитов.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Халқ севган адиб». Ойбек туғилган кунининг 80 йиллигига.
23.05 Кўрсатувлар программаси.

●

9.00 — 15.10 МТ II
16.00 — 21.30 ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

1, 2, 3, 4, 5, 6, 8, 9 10, 11, 12, 14, 15, 16, 18, 19, 22, 23, 24, 25, 26, 32, 33, 35, 37, 38, 41, 44, 45, 46-КИТОБ МАГАЗИНЛАРИ **В. Я. ШИШКОВнинг 3 томлик «ЕМЕЛЬЯН ПУГАЧЕВ» китоби учун берилган абонементларни рўйхатга олмоқда ҳамда биринчи, иккинчи томларни сотмоқда.**

«ТАШКНИГА» шаҳар китоб савдоси идораси.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов районидаги 10-кечки мактаб томонидан **Абдуқодиров Анвар Рихсибаевич** номига берилган 265241 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ҳамза район халқ маорифи бўлими 370-болалар боғчасининг йўқолган ПЕЧАТИ ВА ШТАМПИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

САЁҲАТ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СССР Давлат чет эл туризмининг

ТОШКЕНТ БЎЛИМИ

СССР ДАВЛАТ ЧЕТ ЭЛ ТУРИЗМИ СИСТЕМАСИДАГИ КОРХОНАЛАР БАЗАСИДА СОВЕТ ГРАЖДАНЛАРИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ ЯНГИ ТУРИНИ ЖОРИЙ ЭТДИ ВА МЕҲМОНХОНАЛАРДА ЖОЙЛАШИШ, ОВҚАТЛАНИШ, ТРАНСПОРТ ВА ЭКСКУРСИЯ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ БИЛАН СССР ТЕРРИТОРИЯСИ БЎЙЛАБ ГРУППАЛИ ЁКИ ЯККА ТАРТИБДА ТУРИСТИК САФАРЛАР ҚИЛИШ УЧУН ПУТЕВКАЛАРНИ СОТИШГА КИРИШДИ.

Мамлакатимизнинг иттифоқдош республикалари, қаҳрамон-шаҳарлар, Болтиқ бўйи, Закавказье, Сибирь ва Ўрта Осиёнинг туристик марказларига 3 кундан 14 кунгача давом этадиган 60 дан зиёд маршрутлар сизнинг диққатингизга ҳавола қилинади.

ПУТЕВКА БАҲОСИГА ҚУЙИДАГИЛАР КИРИТИЛГАН:

— «Интурист» меҳмонхоналарида жойлашиш;
— уч маҳал овқатланиш;
— гидлар ҳамкорлигида экскурсиялар.

Интурист саёҳатчиларни манзилларига самолётларда ва темир йўл поездларида боришлари ва қайтиб келишларини таъминлайди.

Хизмат кўрсатиш пунктларида сизлар ранг-баранг қўшимча хизматлардан баҳраманд бўлишингиз таклиф этилади.

«Интурист»нинг умумий овқатланиш корхоналарида никоҳ тўйлари, дам олиш кечалари, миллий пазандачилик маҳорати оқшомлари ўтказиш юзасидан буюртмалар қабул қилинмоқда.

Бу корхоналарда нақд пулга, шунингдек пул ўтказиш йўли билан ҳам хизмат кўрсатилади.

Сафар бошланишидан ўн беш кун олдин туристик хизмат кўрсатиш юзасидан буюртмалар бериш керак.

Қуйидаги адресдан маълумотларни билиб олиш мумкин: Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси 45-уй, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, Совет туризми бўлими, телефонлар: 33-84-62, 39-23-42.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/V да **Гули ТОШБОЕВАнинг ижодий кечаси**, 26/V да **Этик кийган мушук** (12.00). **Тўмарис** (19.30).

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **СССР халқ артисти Оскал-Оол раҳбарлигидаги совет цирки артистларининг томошалари** (19.30).

кино

25, 26 МАЙДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СИР САҚЛАГАН ОДАМ» —**Чайка** (16, 18.30, 21.00; телефон 77- 06-20), **Москва** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 33-05-01), **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 46-70-69), **Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61).

«ҚАДРДОН УМРАО» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (11, 13.15, 16, 18.15, 20.30; телефон 33-44-52).

«ДАЛА ҚЎРИҚЧИСИ» — **Тинчлик** (11, 14, 17, 20.00).

«ВАЗИЯТГА ҚАРАБ ИШ ТУТ»— **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«БЕҒАРАЗ» — **Фестиваль** (21.30, телефон 32-78-02).

«ДИСКО РАҚҚОСИ» — **Хива** (21.30).

«ПРОХИНДИАДА ЁКИ ТУРГАН ЖОЙДА ЮГУРИШ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 78-47-25).

«ГИТАРАЛИ ҚАЛЛОБ» — **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 95-14-61).

«АБДУЛЛА» —**С. Раҳимов номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 48-46-71).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ГРАЖДАНЛАРИ, МУАССАСАЛАР, КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Тошкент область тайёрлов-мол сотиб олиш базаси ва Тошкент область матлубот жамиятининг район тайёрлов контора-лари чорва ва чорва маҳсулотларини

ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

жун, тери, пар-мўйна хом ашёси, шунингдек тирик қуёнлар ва нутриялар ҳамда бошқа турдаги чорвачилик хом ашёлари.

Маҳсулотга прейскурант нархларига биноан ҳақ тўланади.

Ҳаваскор қуёнбоқарлар билан пар-мўйна хом ашёси топшириш юзасидан шартномалар тузилади.


Шартнома тузган кишиларга концентрацияланган озуқалар, сим тўр ва бошқа буюмлар харид қилишда ёрдам кўрсатилади.

Тошкент область матлубот союзининг тайёрлов бошқармаси (700061, Тошкент шаҳри, К. Цеткин кўчаси 76-уй).



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.
(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.



Телефонлар: секретариат — 33-57-02: бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.

Р—12282.